



Дастурий-техник таъминот ва маълумотларни сақлаш Маркази тўғрисида

## НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Фарғона вилояти статистика бошқармаси Дастурий-техникавий таъминот ва маълумотларни сақлаш Марказининг (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, хукуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Марказ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофик ташкил этилган ва Фарғона вилояти статистика бошқармасининг (кейинги ўринларда Бошқарма деб аталади) таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунларига, Олий Мажлиснинг меъёрий қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги қарорлари ва тавсияларига, “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси тўғрисида”ги Низомга, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун хужжатларига амал қиласди.

4. Марказ фаолияти худудий статистика органларида ахборот-коммуникация технологияларидан (АКТ) фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ахборот хавфсизлигини ва дастурий таъминот ва маҳсулотлар билан таъминлашга йўналтирилган.

5. Марказ ўз фаолиятини Фарғона вилояти статистика бошқармаси бошлиғи раҳбарлигига амалга оширади.

## **2-боб. Марказнинг асосий вазифалари ва функциялари**

6. Марказнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

**а) худудий статистика органларида АҚТ ривожлантириш соҳасида:**

худудий статистика органларида АҚТни жорий этиш соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш;

статистика органларида қўлланиладиган дастурий таъминотни техник қўллаб-куватлаш;

худудий статистика органлари эҳтиёжлари учун дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

худудий статистика органлари томонидан қўрсатиладиган интерактив давлат хизматларини жорий этиш ва ривожлантириш;

худудий статистика бошқармаси расмий веб-сайтини ишлаб чиқиш ва юритиш;

вилоятларда АҚТни ривожлантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

**б) ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборот тизимлари тармоқларини бошқариш соҳасида:**

ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ягона технология сиёсатини амалга ошириш;

тармоқларнинг топологиясини, тармоқ ва коммуникация ускуналарини тузилишини аниглаш;

маъмурий ва туман (шаҳар) статистика бўлимларида маҳаллий компьютер тармоғини бошқариш;

сервер ускуналарини, маҳаллий маълумотлар базаларини ва ахборот тизимларини бошқариш;

худудий статистика органларининг маълумотларини архивлаштириш ва саклаш;

**в) техник ривожлантириш ва хизмат қўрсатиш соҳасида:**

хисоблаш техникаси, тармок ва периферия ускуналар, телефон алоқалари воситаларини техник қўллаб-кувватлаш;

компьютер техникаси паркини янгилаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш худудий статистика органларида периферия ускуналар, шунингдек уларни амалга ошириш;

нусха кўчириш ва кўпайтириш ишларини ишлаб чиқариш, худудий статистика органларининг эҳтиёжлари учун маълумотнома, ўқув-методик, илмий, хукукий ва бошқа адабиётларни чиқариш.

7. Марказ олдига кўйган вазифаларни бажариш учун куйидаги функцияларни бажаради:

худудий статистика органларида Давлат статистика қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган ахборот тизимларини жорий этишни амалга оширади;

худудий статистика бошқармаси расмий сайтининг мазмуни ва уни тўлдириш билан маъмурий ишларни амалга оширади;

тармоқларнинг топологиясини, тармок ва сервер ускуналари таркибини, шунингдек тизим дастурларини аниқлади;

ахборот ресурслари ва тизимларининг иш фаолийатини назорат қиласи;

фойдаланувчиларнинг ишини назорат қиласи ва қабул қилинган ахборот хавфсизлиги сиёсати ва ташкилий-маъмурий хужжатларга мувофиқ бошқа вазифаларни бажаради;

домен зоналари, серверлари, иш станциялари, худудий статистика органларининг маҳаллий ва корпоратив тармоқлари фаолиятини қўллаб-кувватлашни таъминлайди;

ўз ваколатлари доирасида ахборот хавфсизлиги бузилишларини текшириш ишларида иштирок этади;

худудий статистика органлари ходимлари электрон почта хабарлари, реал вақтда матнли хабарлар, аудио-видео конференциялар ва бошқалар орқали ўзаро алоқа воситаларини таъминлайди ва қўллаб-кувватлайди;

барча хужжатлар, файллар ва статистика маълумотларини электрон шаклда архив саклашни хукуки чекланган маҳсус папкаларда амалга оширади;

Интернетга тармоғига киришни қўллаб-кувватлайди;

худудий статистика органларида компьютер техникаси, периферия ускуналари ва нусха кўчириш ускуналарини кузатиб боради ва қайд этади;

техник ҳужжатлар талабларига мувофиқ профилактик ва режали огоҳлантириш ишларни олиб боради;

компьютер техникаси ва бошқа техник воситаларни сотиб олиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

телефон линиялари, алоқа асбоб-ускуналарининг узлуксиз ва сифатли ишлашини таъминлайди;

фойдаланувчиларнинг буюртмалари бўйича статистика бюллетенлари, йигма ва бошқа ҳужжатларнинг тезкор ва юқори сифатли нусхаларини ишлаб чиқаради.

### **3-боб. Марказнинг хуқуқ ва мажбуриятлари**

8. Марказ ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажаришда қуидаги хуқуқларга эга:

ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш давомида белгиланган тартибда Бошқарма бўлинмалардан маълумотларни сўраш ва олиш;

Бошқарма раҳбариятига худудий статистика органларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш масалалари бўйича таклифлар киритиш;

худудий статистика органларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

Марказ ваколатига кирувчи ишларни бажариш бўйича мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

Марказ ваколатига кирувчи масалалар бўйича Бошқарма бўлинмалари билан инструктив мажлислар ўtkазиш;

Марказ фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича конференция ишларида, шу жумладан семинар ва мажлисларда, шунингдек лойиҳаларда иштирок этиш.

#### **9. Марказнинг жавобгарлиги:**

Ўзига юклатилган вазифаларни ҳаққоний тарзда ва самарали амалга ошириш;

ваколатига кирувчи таҳлилий ва бошқа маълумотларни юқори даражада таёrlаш;

Марказга тақдим этилган лойиҳалар хужжатларини, таклиф ва саволларини сифатли бажаришни ташкил қилиш;

Марказ ходимлари томонидан белгиланган меъёрий-хуқуқий хужжатларга мувофиқ ижро интизомини таъминлаш;

Марказга келиб тушган ва чиқаётган материаллар бўйича давлат ва тижорат сирларининг сақланиши, якка тартибдаги маълумотларнинг махфийлигига риоя қилиниши учун жавобгар бўлади.

#### **4-боб. Марказ тузилмаси**

10. Марказ тузилмаси Марказ бошлигини ўз ичига олади, шунингдек:

Марказда муҳандис-дастурчилар, ҳисоблаш техникасини таъмирлаш муҳандислар, муҳандис- система маъмурилар ва ахборот хавфсизлиги бўйича муҳандисларни ўз ичига олади.

11. Марказнинг ишларида Марказ бошлиғи раҳбарлик қиласи.

12. Марказ бошлиғи ва бошқа мутахассислар Бошқарма бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

13. Марказ бошлиғи ва бошқа мутахассислар лавозимига Давлат статистика қўмитаси билан келишгандан ҳолда тайинланади.

#### **5-боб. Марказ фаолиятини ташкил этиш**

14. Марказ фаолияти Ўзбекистон Республикасининг "Давлат статистикаси тўғрисида" ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланган Давлат статистика ишлари дастурига, Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган Давлат статистика ишлари дастурига, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги Низомга, ушбу Низомга, буйруқ ва фармойишларга мувофиқ ташкил етилади. Давлат статистика қўмитаси Раиси кўрсатмаларига, идоралар раҳбарининг буйруқлар ва йўрикномаларига, шунингдек, давлат органларининг режалари асосида, Марказ иш режалари ва Марказ ходимларининг функционал мажбуриятлари асосида ташкил этлади.

Марказнинг нинг иш режаси Фарғона вилояти статистика бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланадиган Фарғона вилояти статистика бошқармасининг иш режалари асосида шакллантирилади ва бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Ходимларнинг функционал мажбуриятлари Марказ бошлиғи томонидан тайинланган вазифалар асосида тайёрланади ва бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

### 15. Марказ бошлиғи:

Марказнинг бутун фаолиятига раҳбарлик қилади, марказ таркибиға киравчи ходимларнинг ишларини ташкиллаштиради, Марказга юклатилган вазифа ва функцияларни бажарилиши, ижро ва меҳнат интизоми ҳолати учун шахсан жавоб беради;

Марказ ходимлар жадвали ва тасдиқланган тузилмага мувофиқ номзодларни малака даражасини ошириш, касбий фаолиятини ошириш, имтиёзлар ва уларни интизомий жазолаш чора тадбирларини аниқлик ва диққат билан ўрганиб чиқкан ҳолда раҳбариятга кўриб чиқиш учун тақдим этади;

Марказ иш режа лойихасини ишлаб чиқиб тасдиқлаш учун бошқарма бошлиғига тақдим этади;

Марказ ходимлари ўртасида мажбуриятларни тақсимлайди;

Фарғона вилояти статистика бошқармаси мажлислари ва йиғилишларида, шунингдек Фарғона вилояти статистика бошқармаси раҳбарияти топшириғига асосан марказ фаолиятига киравчи ва идоралараро ишчи гурухлар масалаларида иштирок этади;

Фарғона вилояти статистика бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосарлари топшириқларига мувофиқ материалларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, кўйилган устувор вазифаларни ечишда янада самарали таклифларни ишлаб чиқиш ва тайёрлашни амалга оширади;

ахборот-коммуникация технологияларини ва интерактив давлат хизматларини ривожлантиришда, бўлинма раҳбарлари ҳамда мутахассисларга консультатив ва услугий ёрдам кўрсатади;

Давлат статистика қўмитасининг ва Бошқарманинг жорий ва истиқбол иш режаларига мувофиқ Марказ ваколатига киравчи масалалар бўйича таҳлилий ва бошқа материалларни ўз вақтида, тизимли асосда тайёрланишини таъминлайди;

Марказ ишининг самарадорлиги даражасини ошириш ва кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

Марказ кадрлар заҳирасини шакллантиришни ва янгилашни, кадрлар заҳирасига киритилган шахслар билан тизимли ишларни ташкил қилишни таъминлайди;

Марказ ходимлари билан юклатилган вазифалар, кирувчи хужжатларни назорат қилиш ва тажриба алмасиш масалалари юзасидан йўриқнома бериш бўйича йигилишлар ўтказади;

иш юритишни олиб бориш, топширикларни ўз вақтида ижро этилишини қатъий назорат қилиш бўйича ишларни ташкил қиласди, ходимлар томонидан хизмат хужжатлари билан ишлаш ва уларни сақлаш бўйича ишларнинг белгиланган тартибига амал қилинишини таъминлайди.

16. Марказ бошлиғи вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини етакчи тизим-муҳандис маъмури бажаради;

**17. Бўлим етакчи муҳандис - тизим маъмури ва 1-тоифали муҳандис - тизим маъмури:**

функционал мажбуриятларга мувофиқ тайёрланган материаллар, таклифлар ва лойиха хужжатлари сифатини, ишончлилиги ва ўз вақтида бажарилиши учун шахсан жавобгар бўлади;

Давлат статистика қўмитаси тизимида яхлит ва хавфсиз ахборот маконини яратади;

Тармоқнинг топологиясини, тармоқ ва алоқа ускуналарини тузилишини аниқлайди;

статистика бошқармасининг локал тармоқлари ва худудлардаги бўлимлар локал тармоқлари асосида ўзаро ташкил этилган корпоратив тармоқнинг фаолият кўрсатишини бошқаради;

статистика бошқармаси Интернет тармоғига уланишни ташкил этади ва ишлашини таъминлайди;

статистика бошқармаси расмий веб-сайтининг иш фаолиятини таъминлайди.

статистика бошқармаси ахборот тизимларига ва тармоқ сервислардан фойдаланувчиларга берилган ваколатлар доирасида фойдаланишнинг чекланишини таъминлайди;

худудий статистика органлари фаолиятини комплекс ва мақсадли ўрганишларда иштирок этади;

Марказ бошлигининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материалларни тайёрлайди, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича лойиҳани тайёрлайди;

раҳбариятнинг топширикларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

**18. Марказнинг етакчи мухандис-дастурчи, 1-тоифали мухандис-дастурчи;**

функционал вазифаларига мувофиқ материаллар, таклифлар ва хужжат лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

фойдаланувчиларга дастурий таъминот, Интернет ресурслари ва маълумотлар базалари билан ишлаш бўйича техник ёрдам ва маслаҳат беради;

худудий статистика органлари фаолиятининг комплекс ва аниқ йўналтирилган тадқикотларида иштирок этади;

Марказ раҳбарининг топшириғига биноан жисмоний ва юридик шахслардан, шу жумладан электрон шаклда келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш учун зарур материаллар тайёрланадиган масалалар бўйича қарорлар лойиҳасини тайёрлайди;

раҳбаријатнинг топширикларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

**19. Бўлим ахборот хавфсизлиги бўйича етакчи мухандиси:**

ахборот хавфларини таҳлил қилиш, ахборот оқими каналларини аниқлаш ва бартараф қиласди;

қабул қилинган чора-тадбирлар ва қўлланилаётган ахборотларни ҳимоя қилиш воситаларини кузатади ва самарадорлигини баҳолайди;

статистика бошқармасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича истиқболли ва жорий режалари ҳамда тадбирларни ишлаб чиқади;

ахборотлари ҳимоя қилиш воситаларининг ишлашини назорат қиласди;

компьютер жиноятлари ва жиноятларнинг олдини олиш бўйича фаолиятни амалга оширади;

тарқатилиши чегараланган маълумотларни ошкор қилиш, ҳамда хужжатларини йўқотиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича аниқланган бошқа қонунбузарликларни текширишларида иштирок этади;

худудий статистика органлари фаолиятини комплекс ва мақсадли ўрганишларда иштирок этади;

Марказ бошлигининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материалларни тайёрлайди, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича лойиҳани тайёрлайди;

раҳбаријатнинг топширикларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

20. Ҳисоблаш техникасини таъмирлаш бўйича етакчи мухандиси, ҳисоблаш техникасини таъмирлаш бўйича 1-тоифали мухандислари:

телефон ва бошқа алоқа ускуналаридан фойдаланишни такомиллаштиради ва таъмирлайди;

статистика бошқармасининг балансидаги компьютер техникасини таъмирлайди ва техник хизмат кўрсатади;

статистика бошқармаси балансидаги компьютер техник курилмаларини модернизация қилиш, ҳамда фойдаланишда доимий ва сифатли ишлashingни таъминлайди;


Марказ бошлигининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материалларни тайёрлайди, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича лойиҳани тайёрлайди;

раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

Танишдим:

- 1.Эмир-Велиев Р.
- 2.Тошқузиев Н.
- 3.Қодиров.А
- 4.Курбонов.Б
- 5.Мусаев.Х
- 6.Қодиров.И
- 7.Ўринбоев.Ф

 05.01.2021  
 05.01.2021  
 05.01.2021  
 05.01.2021  
 05.01.2021  
 05.01.2021  
 05.01.2021.